



ЎТРОР, Турарбанд, Тарбанд, Ўтрортепа — кадимий шаҳар харобаси (мил. ав. 1-аср — мил. 16-аср). Жанубий Козогистондаги Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида.

---

Ўтрор 3 қисм (арк, шаҳристон, рабод)дан иборат бўлиб, буржлар билан мустаҳкамланган мудофаа девори ва хандаклар билан ўралган. Ўтрордан кўчалар, хаммом, турар жой бинолари колдиклари, уйрўзгор, заргарлик буюмлари, камон ўқлари ва бошқалар топилган. Мўғуллар истилосига қадар Хоразмшоҳлар давлатининг савдо ва хунармандчилик шаҳарларидан бири бўлган. Ўтрормудофаасидан сўнг мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Оқ Ўрда хонлари уни 14-аср да тиклаганлар. Бу даврда масжид, мадраса, хонакоҳ қурилган. Амир Темур ва темурийлар даврида муҳим харбий шаҳар, қалъа бўлган. Бу даврда Европадан Осиёга борадиган янги савдо йўли вужудга келган; у Волга сохилларидан Уралдаги Саройчик шаҳри орқали Кўхна Урганч, Ўтрор ва Олмаликка борган. Бу йўлдан мусулмон савдогарлари ҳам, европалик тижоратчилар ҳам фойдаланишган. Ўтрордан кўплаб алломалар етишиб чиққан; шаҳар ободлиги, чиройи билан ном чиқарган. 16-асрдаги ўзаро ички низолар пайтида хувиллаб қолган.